

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**

2015 йил “24” август

№ 336

Тошкент ш.

**Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимларни малакасини
ошириш ва ихтисослаштиришдан ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги “Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 319-сонли қарорининг ижроси юзасидан даволаш-профилактика муассасаларидаги ўрта тиббиёт ва доришунос ходимларни малакасини ошириш, уларни мутахассисликлар бўйича ихтисослаштиришдан ўтказиш ҳамда тиббиёт муассасаларини малакали ўрта тиббиёт кадрлари билан таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н :

1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларида ўрта тиббиёт ва доришунос ходимларни эгаллаши мумкин бўлган лавозимлар рўйхати 1-иловага, Республика ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш маркази ва унинг ҳудудий бўлинмаларида ўқув амалиётларини ўтиш учун бириктирилган даволаш-профилактика муассасаларининг рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари ва вазирлик тасарруфидаги республика даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари:

даволаш-профилактика муассасаларига давлат таълим стандартлари талабларига жавоб берадиган тиббиёт коллежларини битирган ўрта тиббиёт ва доришунос ходимларни ишга қабул қилиш шартлигига эътибор қаратсин;

олий ҳамширалик иши мутахассислари, ўрта тиббиёт ва доришунос ходимларни малака ошириш, ихтисослаштириш, қайта тайёрлаш курсларига белгиланган муддатда мутахассислик йўналиши бўйича юборилишини таъминласин;

3 йил ва ундан ортиқ муддат бола парвариши таътилида бўлган ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлари диплом йўналиши бўйича ихтисослаштириш курсларига бепул асосда ўқишга юборилишини таъминласин;

Республика ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш маркази ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг амалиёт базаларида ўқув жараёнини самарали ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратсин.

3. Республика ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш маркази ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ўқув амалиётларини ўтиш учун бириктирилган даволаш-профилактика муассасаларининг рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Республика ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш маркази директори Л.Х.Мусаджановага:

ўрнатилган тартибда тасдиқланган малака ошириш ва ихтисослаштириш ўқув дастурларига мувофиқ марказ ва унинг ҳудудий бўлинмаларида дарс жараёнини ташкил этишни назорат қилиш;

айрим йўналишлар бўйича тингловчилар сони етарли бўлмаган ҳолларда ўзаро келишилган ҳолда ҳудудлараро гуруҳлар ташкил этиш;

амалий машғулотларни ўтказиш мобайнида юқори малакага эга бўлган тажрибали мутахассислар билан ҳамкорликда маҳорат дарсларини ташкил этиш топширилсин.

5. Мазкур буйруқ чиқарилиши муносабати билан Соғлиқни сақлаш вазирининг 2014 йил 28 августдаги “Республика ўрта тиббиёт ва доришунос ходимларнинг малака ошириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 310 –сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А.А.Худаяров зиммасига юклатилсин.

Вазир

А.Алимов

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш
вазирининг
2015 йил 24 август даги
336- сонли буйруғига 1-
илова

**Давлат Соғлиқни сақлаш тизими муассасаларидаги ўрта тиббиёт ва доришунос
ходимлар мутахассисликлари ва эгаллаши мумкин бўлган лавозимлар рўйхати**

№	Лавозимлар	Мутахассислиги (диплом бўйича)	Ўқиш муддати	Шартлари
I	1-даражадаги лавозимлар			
1.	Фельдшер	Даволаш иши - 3720103	Мутахассисларнинг иш стажига 3 йилдан 7 йилгача узилиш бўлганда 288 соат, 7 йилдан 10 йилгача узилиш бўлганда 432 соат, 10 йилдан ортиқ узилиш бўлганда 576 соат ўқитилади.	Меҳнат стажига 3 йилдан ортиқ узилиш бўлганда ихтисослаштириш ўтиши шарт
2.	Акушерка	Олий ҳамширалик иши (акушерлик йўналиши) -5510700 Акушерлик иши - 3720101 Даволаш иши - 3720103		
3.	Ҳамшира	Олий ҳамширалик иши -5510700 Ҳамширалик иши-3720601 Даволаш иши - 3720103 Акушерлик иши - 3720101		
4.	ДСЭНМ врач ёрдамчилари	Тиббий-профилактика иши - 3720308		
5.	ДСЭНМ лабораториялари лаборанти	ДСЭНМ лабораториялари лаборанти		
6.	Лаборант; (мутахассислиги бўйича), (ДСЭНМ лабораторияларидан ташқари)	Лаборатория ташхиси - 3720301		
7.	Тиш техниги	Ортопедик стоматология- 3720403		
8.	Фармацевт ассистенти	Фармация - 3720502		
II	2-даражадаги лавозимлар			Ихтисослаштириш ўтгандан сўнг эгалланиши мумкин
Ҳамширалик иши				
1	Рентген лаборанти	Олий ҳамширалик иши; Даволаш иши; Акушерлик иши; Ҳамширалик иши; Тиббий-профилактика иши; Лаборатория иши; Стоматология иши (дантист); Тиббий асбоб-ускуналарни ўрнатиш ва таъмирлаш бўйича техник.	216 соат*	Рентген лаборанти лавозимида ишлаши учун ихтисослаштириш ўтиши шарт.
2.	Массаж ҳамшираси	Олий ҳамширалик иши; Даволаш иши; Акушерлик иши; Ҳамширалик иши;	216 соат*	Массаж бўйича ҳамшира лавозимида ишлаши учун ихтисослаштириш ўтиши шарт

3	Физиотерапия ҳамшираси	Олий ҳамширалик иши; Даволаш иши; Акушерлик иши; Ҳамширалик иши;	216 соат*	Физиотерапия ҳамшираси лавозимида ишлаши учун ихтисослаштириш ўтиши шарт
4.	Даволаш бадантарбия инструктори (ҳамшира)	Олий ҳамширалик иши; Даволаш иши; Акушерлик иши; Ҳамширалик иши;	216 соат*	Даволаш физкультураси бўйича инструктор (ҳамшира) лавозимида ишлаши учун ихтисослаштириш ўтиши шарт
5.	Стерилизация ҳамшираси	Олий ҳамширалик иши; Даволаш иши; Акушерлик иши; Ҳамширалик иши; Тиббий-профилактика иши	216 соат*	Стерилизация ва автоклав ҳамшираси лавозимида ишлаши учун ихтисослаштириш ўтиши шарт
6.	Функционал диагностика ҳамшираси	Олий ҳамширалик иши; Даволаш иши; Акушерлик иши; Ҳамширалик иши; Тиббий асбоб-ускуналарни ўрнатиш ва таъмирлаш бўйича техник	216 соат*	Функционал диагностика ҳамшираси лавозимида ишлаши учун ихтисослаштириш ўтиши шарт
7.	Парҳез ҳамшираси	Олий ҳамширалик иши; Даволаш иши; Акушерлик иши; Ҳамширалик иши	216 соат*	Парҳез ҳамшираси лавозимида ишлаши учун ихтисослаштириш ўтиши шарт
8.	Тиббий статистика ҳамшираси	Олий ҳамширалик иши	-	
		Даволаш иши; Акушерлик иши; Ҳамширалик иши; Стоматология иши; Ортопедик стоматология; Фармация иши; Тиббий – профилактика иши	216 соат*	Тиббий статистика ҳамшираси лавозимида ишлаши учун ихтисослаштириш ўтиши шарт
ДСЭНМдаги лавозимлар				
1.	ДСЭНМ врачлари ёрдамчиси	Тиббий-профилактика иши	-	-
		Даволаш иши; Акушерлик иши; Ҳамширалик иши;	432 соат*	ДСЭНМ врачлари ёрдамчилари лавозимида ишлаши учун ихтисослаштириш ўтиши шарт
2.	ДСЭНМ лабораториялари лаборантлари	Тиббий-профилактика иши	288 соат*	-
		Даволаш иши; Акушерлик иши; Ҳамширалик иши; Лаборатория иши	432 соат*	ДСЭНМ лабораториялари лаборанти лавозимида ишлаши учун ихтисослаштириш ўтиши шарт

Даволаш профилактика муассасалари лаборанти				
4.	Клиник биохимик лабораториялар лаборанти	Лаборатория иши	-	-
		Олий ҳамширалик иши; Даволаш иши; Акушерлик иши; Ҳамширалик иши	288 соат	Лабораториялар лаборанти лавозимида ишлаши учун ихтисослаштириш ўтиши шарт
5.	Суд тиббиёти ва патологик анатомия лаборатория лаборанти	Лаборатория иши,	-	-
		Даволаш иши; Акушерлик иши; Ҳамширалик иши;	288 соат	Тегишли йўналиш бўйича ихтисослаштириш ўтиши шарт
6.	Ўта хавфли юқумли касалликлар лабораториялари лаборанти	Лаборатория иши,	-	
		Даволаш иши; Акушерлик иши; Ҳамширалик иши;	288 соат	Тегишли йўналиш бўйича ихтисослаштириш ўтиши шарт
	Ортопедик стоматология			
1.	Тиш техниги;	Ортопедик стоматология	-	-
2.	Тишни протезлаш лабораториялари тиш техникларининг бошқа лавозимлари;	Ортопедик стоматология	-	-
3.	Стоматология ҳамшираси	Стоматология иши	-	-
	Фармацевтлар			
1.	Фармацевт ассистентлари	Фармация	-	-
2.	Дори воситалари бўйича фармацевти ассистенти	Фармация	-	-
3.	Дори воситаларини ишлаб чиқариш оператори	Фармация	-	-
4.	Ўрта тиббиёт фармацевт ходимларининг бошқа лавозимлари	Фармация	-	-
5.	Фитобар ўрта тиббиёт ҳодимлари	Фармация	-	-
		Даволаш иши; Акушерлик иши; Ҳамширалик иши		
III	3 даражадаги лавозимлар			
1.	ДПМда ҳамширалик ишининг бошқарув бўғини (бош врач (директор)нинг ҳамширалик иши бўйича ўринбосари, бош, катта ҳамшира ва етакчи ҳамшира, бош, катта ва етакчи фельдшер, бош, катта ва етакчи акушерка	Олий маълумотли ҳамшира; Даволаш иши; Акушерлик иши; Ҳамширалик иши	ТошВМОИ 72 соат	5 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлганда;
2.	Анестезистка	Олий ҳамширалик иши;	216 соат	Реанимация ва анестезиология йўналишидан ташқари;
		Даволаш иши; Акушерлик иши; Ҳамширалик иши,		Реанимация бўлимида 2 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига бўлганда;
		Олий ҳамширалик иши,		Реанимация бўлимидан ташқари бошқа

		Даволаш иши; Акушерлик иши; Ҳамширалик иши	288 соат	бўлимларда фаолият юритган ёки тиббий стажга эга бўлмаган ҳолларда;
3.	Операция ҳамшира	Олий ҳамширалик иши,	216 соат	Хирургия йўналишидан ташқари;
		Даволаш иши; Акушерлик иши; Ҳамширалик иши		Реанимация бўлимида 2 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига бўлганда;
		Олий ҳамширалик иши, Даволаш иши; Акушерлик иши; Ҳамширалик иши	288 соат	Хирургия йўналишидан ташқари бошқа бўлимларда фаолият юритган ёки тиббий стажга эга бўлмаган ҳолларда

Изоҳ:

1. ДПМ раҳбарларининг мурожат хатлари асосида 3 даражали мутахассислик йўналишлари бўйича ўқишга қабул қилинади.
2. Иш стажига 3 йилдан ортиқ эзилган бўлган ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар коллежда ўқиган йўналиши бўйича ўз квалификациясини тиклайди ва шундан сўнг қўшимча мутахассисликлар (*) бўйича ўқишлари мумкин.